


Эркин Самандар

СЕВГИ
ФАСЛАРИ

сайланма





СЎЗ ВА СОЗ ИЗЛАБ



Муболага эмас, эллик ёшнинг роппа-роса қирқ йили сўз таниш, сўз излаш ва сўз топиш, саз тиш-лаш, саз ахтариш билан ўтди. Ўзимга нотаниш бўлган сўзнинг магзини чаққанимда, оҳорли сўз нодир қушдек оқ қоғозга қўшиб, мисраларга жон ато этганида, қулоққа ёқимли саз кетига тушиб, сеҳрли гулшанларни сайр айлаганимда, ҳар гул, ҳар япроқда гўзаллик кашф этганимда нақадар қувонганларимни бир кўнглим билади.

Уруш йиллари эди. Ҳамма қатори етар-етмасчиликда кун кечирардик. Чой ичса, боланинг юзи сариқ бўлади деб (кейинчалик билсам чой йўқлигидан экап) бизга фақат совуқ сув беришарди. Эрталаб яримта зогора, бир сархум сув билан нонушта қилиб, мактабга кетардим. Бора-бора зогора ҳам кўзга тўтиё бўлиб қолди.

Дадамизни бир куни икки ёнидан дўяб уйга олиб

келишди. Эпам, ойимлар дод солиб дадам томон югуришди. Дадамнинг оёқлари машина тагида қолиб, синган экап. Доктор келиб гинс қилди-да, қирқ кун қимирламай ётасиз, деб кетди. Ташвиш устига ташвиш пайдо бўлди. Балобатга етганлар урушга кетгач, биз болалар қариялар билан етти жон битта кичик уйда қолган эдик. Энди рўзгорда ишга яроқли бирор одам йўқ эди. Мен ўшанда иккинчи синфда ўқир эдим. Эрталаб туриб, қўл-юзимни ювгач, яримта зогорага кўз тикмай (уйда пон қолмаганлигини сезиб) мактабга кетардим. Укаларимнинг аҳволи ҳам шу эди.

Бир кун дадам инқиллаб ётганларича мени олдиларига чақириб, қўлимга икки энлик қоғоз тутқаздилар. Мадраим акангни танийсан-а, шу хатни уйларига олиб бор, тез бўлгин, дедилар. Хўп, деб қоғозни қўлларида олдим. Очиб ўқидим. «Мадраим, қарзга оз-моз уи бериб туришг», деб ёзилган экап. Мен дарҳол дадамдан: «Оз» деганига тушундим, лекин «моз» дегани нима?» деб сўрадим. «Бизга нима қайғу-ю, сепга нима қайғу», деб ойим мени койиб бердилар. Мадраим аканнинг уйларига бориб келгунимча «моз» нима экап, деб ўйлай-ўйлай бошимни қотирганимни эсласам, ҳали ҳам кулгим қистайди. Эҳтимол, сўз қидиришим ўшандан бошлангандир.

Кўп шоирлар ўз таржимаи ҳолларида бувиларида эртак эшитганларини ёзадилар. Баъзан, наҳотки, барча шоирларнинг бувилари эртакчи бўлган бўлсалар, деб ажабланасан, сийқа ганга ҳам ўхшаб кетади. Лекин ўша бувиларсиз истеъдодларнинг рўёбга чиқолмаслиги ҳақида ўйлагимиз келмайди. Бахтимизга, бизнинг ҳар иккала бувимиз ҳам (ойимизнинг опаларини Момо, дадамизнинг оналарини Эна дердик) қўшиқ ва эртак айтишга кўп иштиёқманд эдилар. Момомиз бизга қўшиқ айтиб беришни хуш кўрардилар. Уларнинг:

Қизил гулман бутоғида,
Бормайман ёр келмагунча,—

деб бошланувчи қўшиғини биз жуда севардик ва тез-тез айтиб беришларини илтимос қилардик, ҳеч қачон сўзимиз ерда қолмас эди. Энамиз Хеванинг Гужа қишлоғида (биз асли шу қишлоқданмиз) бувамлар билан яшашарди. Қиш ойларида бизникида туришарди. Каникул пайтларида биз уларникига бир-икки ойга борардик. Энамиз латиф бир овоз билан чиройли қилиб эртак айтардилар. Гўрўгли туркум достонларини яхши билардилар ва бизга сўзлаб беришдан ҳеч эринмасдилар.

Баҳор ойлари эди. Энамиз қишлоқдан кела солиб чўнтақларидан учбурчак шаклидаги мактубни чиқардилар-да, ўқи, деб менга бердилар. Овоз чиқариб ўқи, дедилар. Мен ўқий бошладим. Ўғиллари фронтдан ёзган бу мактубнинг ҳар бир сатрини энтикиб эшитдилар, йиглаб эшитдилар. Сўнгра хатни қўлимдан олиб, авайлаб чўнтақларига солиб қўйдилар. Тоғамнинг хатлари мени ҳам ларзага солган эди. Ҳар қарич ер учун олиб борилган жанглар худди китоблардагидек равшан қилиб ёзилган эди. Туни билан ухлай олмадим. Энамизнинг соғинч ёшлари ҳақида, мактубни ўқиб қанчалик фахрланганлари ҳақида тоғамга хат ёзиш учун қўлимга қалам олдим, сўзлар ўз-ўзидан шеър шаклида, «қизил гулман бутоғида» оҳангида қоғозга туша бошлади. Албатта, унда на қоғия, на ўлчов бор эди. Лекин энамизнинг кўз ёшларидай тиңқлиги бўлган бўлса ажаб эмас. Афсуски, у сақлашиб қолмаган, нусха олмай фронтга жўпатиб юбораверганмиз. Эҳтимол, менинг шоирлик дардларим ушандан бошлангандир.

Сўз ва сөз ишқи қалбимда жуда эрта уйғонди-ю, лекин унинг рўёбга чиқиши учун йиллар, кўп йиллар керак бўлди. Биринчи шеърим «Пионерлар қўшиғи» Хоразм Давлат педагогика институтига ўқишга кирган йилим (1953 йил) «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилди. Учрашувларда уни ҳамон ёд айтиб юрмаг.

У шундай мисралар билан бошланади:

Лагерда, боғда яйраб,
Нафас олдик бутун ёз.
Энди яна ўқиймиз
Бардам, чинакам ва сөз.
Ёшлигимиз даврининг
Аъло ўқиш чиройи.
Бизнинг Ватан маърифат,
Фанининг гуллаган жойи.

Шеър ёшнинг, қалбнинг, ўзликнинг рўёби дегани нечоғлик тўғри гап. Шеърнинг етилиши, бу қалбнинг, юракнинг етилишидир. Бу жараён ҳар ижодкорда ҳар хил кечар экан. Шароитга ҳам кўп нарса боғлиқ. Болаликдан жонли адабий муҳит ичида ўсиб, ижод қозонида қайнаш омади ҳаммага бирдек кулиб боқавермас экан. Кўпгина тенгқурлари адабий марказда, зукко устозлар қошида, ижодий тўғарақларда йўғрилаётган бир найтда кўздан, илмдан йироқда — чекка қишлоқда, қум этагида ё овлоқ даштда мол боқиб юрган ҳаваскор-истеъдодлар озми! Уларнинг етилиш жараёни бир хил кечмайди, албатта. Тўғри, мол боқиб юрган ўша болакай ҳаётнинг ичида бўлади, сувнинг таъмини, ернинг ҳидини шаҳарликка қараганда эртaroқ туяди, аммо уста кўрмаганидан юраги туйган нарсаларни сизга гапириб беролмайди. Ўз ёғида ўзи қоврилиб га-

иришини ўргангунига қадар қанча сувлар оқиб кетмайди, ахир.

Газетада илк шеърим босилганидан кейин ун уч йил ўтгач, 1966 йилда Тошкентдаги бадий адабиёт нашриётида «Аму жиллари» номли биринчи китобим чоп этилди. Бу менинг учун катта гап эди, албатта. Тўплам икки жиҳати билан менга қадрли. Биринчидан, унга Хевада 1924 йилда Ленинга ўрнатилган илк ёдгорлик турткиси билан ёзилган дoston киритилди. В. И. Ленин ҳайкалини Ленинграддан Чоржўйгача темир йўлда, сўнгра Амударё орқали кемада Хоразмга келтирилганлар. Вокзалда, вагонда, кемада гўё тирик Ленин одамлар билан мулоқотда; гоҳ суҳбат тинглайди, гоҳ баҳсга киришади, маслаҳат сўрайди. Мен буни шу тарзда сезганман ва шу тарзда ёзишга ҳаракат қилганман. Бу дoston устида кейин ҳам кўп ишлашга тўғри келди ва у Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тақдим этилди, мен шу қимматли унвонга мушарраф бўлдим. Иккинчидан, тўпламга «Осмоининг тош туллори» дostonи ҳам кирган. У Ҳазорасп (ҳазор — минг, асп — от) қалъаси, минг отлилар ўлкасининг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади. Шу тариқа биринчи китобда бугунги кунимиз ва кечмиш ҳаётимиз ҳақидаги навқирон ўйларим, хаёллари қай даражада бўлса ҳам акс этдики, буни асло унутмаймай.

Шундай қилиб, секилик билан бўлса ҳам ижодий иш юришди — мен рўёбга чиқа бошладим. Аста-секин китобларим, дostonларим босилди, қўшиқларим маҳалламиздан чиқиб, узоқ-яқинда оғизга тушди. Лекин мен излаган сўз ва саз ҳали ҳам тутқич бермаётгандай эди. Қоғозга тушганлари асосий, бош сўз олдидаги кичик топилмалардай туюларди. Истардимки, шундай бир сўз топилса, у қаерлардадир яшириниб, юзага чиқа олмай ётган дардларни, инҳоний талпинишлар-

ни, аччиқ ҳақиқатни, ҳақиқат йўлида курашган инсон қалбини чарақлатиб очса, юракдан қайнаб-отилиб чиқсаю юракларга бориб тушса, диллардан ўзига жой топса, уларни жупбушга солса. Мен излаётган саз ҳам, назаримда, мунглироқ эди.

Бир вақтлар икки саз саси мени йўлга отлаптирган эди. Биринчи саз саси ўтган кунлардан ўзимизнинг қадимий Хевадан, афтода мозийдан келди:

Хева, Хева, қўшиқ ўлкаси,
Қулоғимда бир қўшиқ саси
Юрагимни айлайди пора...

Алдаган, орзу-умиди оёқ ости қилинган қуллар, гурури хўрланган йигитлар, номуси топталган қизлар филофи, интиқом ўтларида ёнган юраклар наъраси, уларнинг ёвузликка нафрати, курашга орти — мени изтиробга солган саз мапа шу эмасми! Иккинчи сазни Францияга борганимда, қаҳрамон Париж коммуналари отиб ўлдирилган Пер-Лашез қабристонидagi сукулатдан эшитдим. Ана шу икки саздан «Қўшиқ излаб» ва «Пўртана» достонлари яратилди. «Дупёнинг ёнлиги», «Севги фасллари» китоблари шу сазларга йўғрилган, шу сазлардан туғилган, десам тўғри бўлади.

Ўз-ўзидан сазга саз уланиб кетса, бунга нима етсин, шонининг омади келгани шу-да. Менимча, қўшиқ юрак ёнганида туғилади. Дил-дилдан ўт-олов бўлиб отилиб чиққан қўшиқгина тишловчига манзур бўлади. Ғаниқли бастакорлар, сапъаткорлар билан ҳамкорликда яратилган юзга яқин қўшиқлар орасида мен учун энг қимматлиларидан бири «Хоразм фарзандиман» қўшиғидир. У етмининчи йилларда турли санъ-

аткорлар томонидаги ҳар хил куйларга солиниб айтилди ва ҳозир ҳам ижро этилмоқда:

Бу улуг маскан кўпгилларга зиё қилди ато,
Қаҳридан шамшир ясаб, ёвларга санчди бехато,
Қалбига илми алиффу ал-жабрни қилди жо,
Мен алифдек тик яшаб ўтган диёр фарзандиман.
Мен зикр этсам асрлар қаърида кўргум шуур,
Мен тикилсам ўтган ул зулмат ичида ёнди нур,
Ал-Берунийга забон берган диёр ҳам шул эрур,
Илмини нурдек таратган допиш эл фарзандиман...

Фарзанднинг опа олдидаги бурчи чек билмаганидек ҳар бир шоир она ер ҳақидаги ўз қўшиғини умрбод ёзади, деб ўйлайман. Ватаи гўзалликларини куйлашнинг ўзи етмайди, албатта. Юртнинг қалбига қулоқ тутган киши унинг юрагидаги ларзаларни, ўтли туғёнларни, ҳазин садоларни ҳам эшитиши табиийки, шундан ҳунёр тортишининг, шундан ўртанишининг, шундан ёнишининг, ҳайқиринининг ўзи одамни шоирга айлаштиради.

Сарҳисоб ҳали олдда. Бир довоидаги ошиб, иккинчисига қадам қўяётиб, овчилар тили билан айтганда, чўлпини сувдан кўтарганда, кўрасизки, қўлга илинадиган парсалар кўп эмас, саноклигина бўлиб чиқади. Ўп шеърӣ китоб, рус тилида икки шеърӣ тўнлам, қўшиқлар, достонлар, «Жавоҳир» музыкали драмаси (Огаҳӣ номли Хоразм театрида саҳналаштирилган), чет эл ва рус шоирлари асарларидан таржималар — кўпгил маҳсули ҳозирча ана шулардир.

Қўлингиздаги сайлабманни жам этаётиб, гўрлик ва тажрибасизлик қусурларини йўқотиш ниятида айрим сўзларни ўзгартирмоқчи, баъзи асарларни таҳрир этмоқчи бўлдим. Лекин бир андиша мени тўхтатди. Йигирма-ўттиз йил олдин бир жойга қўйилган сўз-

ни энди ўридан олиб, бошқаси, яхшироғига алмаш-
тириш — уйинқароқ болага заковатни, тўпори йиғитга
донимандликни елимлаб ёништириб қўйиш билан
баробар эмасми! Ҳар нарса ўз ҳолича, фазилати ва
камчилиги билан табиийдир, дейдилар. Бу гап назмга
ҳам тааллуқлидир.

Муаллиф

Туғилганман баҳор чоғи қувонч энганда гулларга,
 Баҳордай мавж бўлиб кирдим сафоли, шўх кўнгилларга.
 Қаёқдансиз, деса, энди дегум эрка сингилларга,
 Қадимий Хоразм — ошиқ ва маъшуқ бир ватанданман.

Мени кийдирди, тўйдирди бобомерос сахий тупроқ,
 Дилим покликка эш этди кулиб Новхос тонги ошпоқ.
 Аму қиргогида ҳар ён томир ёйган уруг-аймоқ,
 Куюнчак, меҳрибон она — Тома қизи Чаманданман.

Ука, ога, жияи, тоға тўкарлар тер кеча-кундуз,
 На ҳикмат бобида тапҳо, на санъат кўкида юлдуз,
 Бироқ ишлар қалай денг-чи, бари бирдек дегайлар; юз,
 Текне олтин замниданман, на пастдан, на баландданман.

Ўсиб-униб, ўқиб бедор, шуарога қулоқ бердим,
 Ғазал сиймоларини бир-бир хаёл кўзгусида кўрдим.
 Унинг бири — Қиёт ўғли, бири — Фарғонада мардум.
 Деди бири Хўқандданман, деди бири: Хўжандданман.

Туну кун Хевада кезсам, оқиб турли нидо келди,
 Қоронгу гўшадан сирли, пушаймонли садо келди.
 Қаёқдансан, дея сарсон садоларга савол бердим,
 Деди: Аваз қўлин бойлаб забун этган кишанданман.

Менга Хева тилаб оқ йўл, қанот берди сујуб-сийлаб,
 Менга Тошкент қучоқ очди дилимини нурга гарқ айлаб,

Ўгил-қизимни ардоқлаб юрарман бахтга шеър бойлаб,
Гурур келса, дегум энди суханвор анжуманданман.

Узуи тушлар она қинилоқ гоҳи тортар хаёлимни,
Узоқдан термулиб, қўллаб, тилар бахту камолимни,
Саҳар еллар ила йўллаб қоларман-да саломимни,
Дегум мен — мардуми ўзбек, қаён борсам Самандарман!

Ёшлик ғаниматдир,
Масъул бўл мудом,
Бефойда ўтмасин
Ҳатто бир они.
Ўзинг ёшлигингга
Қайтолмасанг ҳам,
Ёшлигига қайтар
Дунёни.

1950 — 1960

СЌҚМОҚЛАР

Катта йўлнинг кўпдир сурони,
Гувиллайди яқину йироқ.
Шухратининг йўқдир поёни,
Ташвиши ҳам поёнсиз бироқ.
Йўлда ошкор севги хаёли,
Йўлда ўйлар ҳамроҳдир мудом.
Олисларда, шовқиндан холи,
Сўқмоқлар тинч олади ором.
Эзгуликнинг айтиб мадҳини
Шилдир-шилдир оқади булоқ.
Сўқмоқлардан қувлай деб тунни
Осмон ўзи ёқади чироқ.
Ой нурида очилиб ҳусни,
Сўқмоқларга ястанар боғлар.
Катта йўлга чиқариб бизни,
Сокин яшар ўзи сўқмоқлар.

Тепаликда дўстлар мозори,
Бирпас тўхтаб ўтмасам бўлмас.
Бирпас жимлик ичида қолиб,
Ҳурматларини тутмасам бўлмас.
Юксак тутди кўксини улар,
Қураш, жангда, ўлар чоғда ҳам.
Юксакликда жон берса агар,
Юксакликка кўмилар одам.

* * *

Богда,
ошнок гуллаган, сершоҳ
Ўриққа кўз тикиб турар ёр.
Ёнидаман, таиламас нигоҳ,
Навбахорнинг гаштин сулар ёр.
Ўриқ гули силкинар елда,
Ёр энтикар,
Қилар хиргойи.
Икки зулфи ястанган белда,
Қилнирайди эгнида шойи.
Тўйиб боқдим.
Сақладим сукут.
Сўз не даркор бундайин чоғда,
Яна кўчат ўтқаздим шу кун
Ўриқ туни ортеин деб богда...



ШАББОДАГА

Ёр зулфи бўйларин ёйдинг маини,
Хизматингга жонин садқа айлайин.
Сийловингни созга солиб сўйласин,
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайин?

Тўхтамай сен менга дилдордан гапир,
Ишқ аталмиш сирру асерордан гапир.
Кўнгли қаттиқ ул гўзал ёрдан гапир,
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайин?

Келса ёрим, бу кўнгил кошонадир,
Келмаса, кўнглим уйи гамхонадир.
Кўйида дил қушлари парвонадир,
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайин?

ОЖИЗА ХАЛФАГА

Қорачигсиз кўриб дунёни,
Гул ҳусенига бўлибсан ошиқ.
Тошганидан қалбинг тугёни
Тилингдан ҳеч тушмайди қўшиқ.
Мен тинглаймай уйдан ишқ сасин,
Унда қат-қат армон кўраман!
Хонишингда баҳор нафасин,
Гул жилвасин аён кўраман.
Қўшиқ — ожиз кўзингга шуъла,
У туфайли кўрдинг гулни ҳам.
Юрагингда қайнаб ашула,
Кўз олдингда нурланди олам.
Ҳайрон боқиб кузатаман жим
Гулзор ичра сени ҳар саҳар.
Сени суюб, нени куйлардинг
Кўзинг очик бўлганда агар?..

ДАРЁ ОҚШОМИ

Манзара

Нуридан оламга кўрсатиб чирой,
Томошага чиқди кук париси — ой.
Ёнида бесаноқ юлдуз — канизак
Ҳуенда ортиқдир бири биридан.
Дарё тўлқинланиб ишваларидан
Ўзини тутолмай уради қарсак.

* * *

Ҷари билганиши билмайди пари,
Кексалик — кунларга, йилларга кўзгу.
Кексалик — насиҳат, ўғит дафтари,
Зарҳал варақлари дилларга кўзгу.
У буюк юксаклик, ой, кунлар — зина,
Зинаки, нур ичра порлар ҳар ёғи.
Кексалик — бебаҳо, нодир хазина,
Олтин, кумушлари — ҳаёт сабоғи.

Эзгу ният билан яшовчи ҳар жон
Унга етмай туриб бўлмасин хазон.

* * *

Мангу навқиронмиз,
Қаримаймиз деб,
Ўзни овутмоқлик
Кимга ҳам керак?
Бора-бора йўқолур
Ёшликдаги зеб,
Ёшликдаги ҳусн,
Ёшликдаги юрак.
Ўлмасак, қариймиз,
Қариб ҳориймиз.
Ярамай қоламиз
Дунё ишига.
Сўнгра яшармаймиз,
Яшара олмаймиз —
Бир марта берилур
Умр кишига.
Ёшлик ғаниматдир,
Масъул бўл мудом,
Бефойда ўтмасин
Ҳатто бир они.
Ўзинг ёшлигингга
Қайтолмасанг ҳам,
Ёшлигига қайтар
Дунёни.

ОСТОНА

Остонада турибман бугун,
Узоқ йўлни босиб келганман.
Ўкинмайман ўтган кун учун,
Ахир, униб, ўсиб келганман.

Остонага етмаганлар кўн,
Кўлдир уни йўқотганлар ҳам.
Яшадим шу остонани деб,
Кутар мени шунда насибам.

Рунарамда улкан бир ҳаёт,
Бахтим турар шундоқ қошимда.
Бир қуш каби хаёллар бот-бот
Чарх уради бугун бошимда.

Судрар мени тортишувларга,
Жонимга ҳеч бермайди тишим.
Ярайманми айтишувларга
Остонадан ҳатлаган куним?

Ташланмаган қадам ўйлатар,
Ўйлатади босилмаган йўл.
Мўлдир йўлда севинч, ишқ, хатар,
Барисидан орзуларим мўл.

Куйламоққа жуфтланган лабим,
Жиққа терга ботар пешона.
Синов олди бир ҳамдард каби
Далда эрур қалбга остона.

АРАЗ НЕГА?..

Булут қоплаб қуёш юзини,
Гуллар рангин олдирса бир оз,
Йўқотмоқдан қўрқиб псини
Гулзор кўкдан этади араз.
Кўкдан ўпка ва араз? Қизиқ...
Кимга теккан аразнинг нафи?
Кўкнинг кайфи бўлганда бузук,
Бўзилмасин гулларнинг кайфи.
Қани, гуллар, базм этинг масрур,
Севги куйин янгратаин сабо.
Бу оламга сизгама эди нур
Осмон мангу бўлса мусаффо.

ЗИЛОЛ СУВ ЭДИ

Шарқироқ сув эди, қилардим ҳавас,
Мавжидан борлигим ором оларди.
У билан суҳбатда ўтган ҳар нафас
Умримга фарогат бўлиб қоларди.
Ҳотамтой эди у қўшиқ, навога,
О, бу саховатин қилолмам унут.
Не учун чамандан кўчди самога,
У энди сув эмас, у энди булут.
Ерда шилдираган бир оби ҳаёт
Бугун кўкка чиқиб тўсар қуёшни.
Унинг кўз ёши деб атаймиз ҳар гал —
Қуёшнинг кўзидан тўкилган ёшни.
Қаёққа йўқолди олий ҳиммати,
Бахтига гуллаган боғ кўзгу эди.
Тавеифга муҳтожмас энди қисмати,
Бир зилол сув эди, зилол сув эди.

РУБОБ

Ҳижрон туни. Рубоб ғигони
Жимирлатар танимни бир зум.
Юрагимда армон тўлғониб,
Беихтиёр ёшланар кўзим.
У янграйди. Айлайди таъбир
Не савдолар бўлса умрида.
Жон ва қонга кириб бирма-бир
Рақс этади томир-томирда.
Бир иболи, сеҳрли торки,
Наҳот, янграр эзмоқ қасдида?!
Мунча ғигон қилмасди балки
Турмаганда кукрак устида...

КАШФИЁТ

Кимдир очди янги ихтиро,
Кимдир топди номсиз чуққини.
Кимдир тунда таратди зиё
Кўз-кўз этиб юрак чўгини.
Сирли кукка боқиб ўтдилар
Мунажжимлар бедор ҳар кеча.
Юлдузларини кашф этдилар,
Кашф этдилар қитъаларгача.
Мен на янги бир орол топдим,
На кашф этдим янги ускуна.
Қалбимда ишқ чашмасини очдим,
Топган нарсам фақат шугина.
Қошиб-қошиб гул очар ҳаёт
Қалбда оқса гар ишқ чашмаси.
Фақат шудир бугунги бисот,
Етарлидир шунинг нашъаси.

ТАСАВВУР

Келажакка учади хаёл,
Бошқачароқ кўрар эртани.
Кўз ўнгимда порлаб истиқбол,
Ҳусни билан лол айлар мани.
Унда шўх-шўх сайрайди қушлар,
Унда тошиб шовиллар дарё.
Она тупроқ бошқача яшар,
Бошқачароқ яшайди дунё.
Ўзгачадир гўё гул, гиёх,
Ўзгача ранг ва ўзгача нур.
Келажак ҳам бизларни бироқ
Бошқачароқ этар тасаввур.
Бу оддий кун, эрта оддиймас,
Бу тунлар ҳам эрта бегубор.
Бугунги дард эртага бўлмас,
Бугунги бахт келмайди такрор.

ЯХШИ ҚИЗЛАР...

Айб этмангиз термулганимда,
Шубҳаланманг, юрсам изма-из,
Кулманг, елиб-югурганимда,
Шайдоликни сиз айб этмангиз.
Ёмон кўздан ўзи асрасин
Ва асрасин қора ниятдан.
Мен ҳам сиздек гапдан қурқаман,
Ҳайиқаман мен ҳам уятдан.
Нигоҳимни айламанг таъқиб,
Гўзалликка меҳрим берибман.
Яхши қизлар, сизларга боқиб,
Яхши бир шеър излаб юрибман.

* * *

Ишқим менинг юракда пинҳон,
Кўп авайлаб асрайман уни.
Афеусланиб, бўламан ҳайрон,
Элга ёйса кимки ишқини.
Севги қадрин йўқотур тездан
Қалб тўрида сақланмаса гар.
Ишқ гавҳардир,
Холи деб кўздан —
Денгиз тубин танлабди гавҳар.

* * *

Майли, кетсанг, нима ҳам дердим,
Зорим бору зўрим йўқ менинг.
Ҳаётимни қўлингга бердим,
Сендан ўзга ёрим йўқ менинг.
Мени ташлаб кетганинг билан
Ғамга ботиб сўлмасман, ахир.
Бағримни қон этганинг билан
Йиғларман-у, ўлмасман, ахир.
Ёдинг билан яшаб бир умр,
Ғаминг бўлса шерик бўларман.
Сенинг учун ўлган бўлсам ҳам,
Ўзим учун тирик бўларман.
Тирик бўлсам, севгим ҳам тирик,
Тирик бўлсам, унутилар ғам.
Севги билан янаса юрак,
Ғамни енгмай ўлмайди одам.

* * *

Билиб бўлмас, ким қанча яшар,
Қанча кезар умринг карвоши;
Печа йилга мадоринг стар,
Тарк этасан қачон дунёни?
Умрингда не этасан бунёд?!
Шундай сўрар юрагим ҳар чоқ.
Жавоб истаб, олга боқиб, шод
Келажакка очаман қучоқ.
Қучаманми, йўқми не билай,
Аммо дерлар, ноумид — шайтон.
Яхши ният ёрти мол бўлгай,
Ишонч билан ошаман довон.
Кимнинг қанча умр кўрганни
Билмоқ бўлса келажак авлод,
Уни довонлардан сўрасин,
Довонларда этсин бизни ёд.

ҚҰМСАШ

Шуҳратга назира

Висол чоғларимиз тушдию ёдга
Таниш муюлишга бўлдим равона.
Ошкор учрашувни санаб уятга,
Сенга муюлишда эдим парвона.
Эсимда, шу жойда, жононим, илк бор
Қаршингда мажнунтол каби эгилдим.
Юрагим тоширдим мисоли дотор,
Кўз ёшдай қошингда чак-чак тўкилдим.
Амудай тошардим кўзингга боқиб,
Эсимда, эсимда, бари эсимда.
Бас, дединг, бошимда чақмоқлар чақиб,
Эсимда, кетганим шунда ўзимдан...
Мана ўша хилват. Қайдасан, эй қиз,
Қалбимни титратар севги тўлқини.
Бошим эгган эдим, ерда кўрдим из,
Сенинг изларингга ўхшатдим уни!

Висол чоғин қўмсаб, эй кўзи зиё,
Сен ҳам муюлишга келганмидинг ё?!

* * *

Қуёш кўм-кўк майсаларни эркалаганда
Айни ёзда чирт узилди япроқ ногаҳон.
Кўзлар беҳад яйрар эди уни кўрганда,
Юракларга севинчу завқ этарди эҳсон.
Уйнашарди хандон кулиб шабада билан,
Эркаланиб шивир-шивир сўйларди узоқ.
Айни ёзда дарахтлар ҳам бош эгди бир он,
Армон эмас, куз келганда узилса япроқ.

ҚОРАҚУМ ПАФАСИ

На товус бор бунда, на оҳу,
Кўз кўргани қумдир — поёнсиз.
Киролмайман унга бетуйғу,
Босолмайман уни тугёнсиз.
Бунда шамол ҳуштак чалади,
Қум кўчади барханма-бархан.
Унгуларда учраб қолади
Силган қилич, гильза ва қалқон.
Шу қиличга бўлгандир таелим
Барг ёзмаган гунча умидлар.
Қум бағрида сукунат ҳоким,
Қум бағрида ухлар шаҳидлар.
Ухлар юртининг ўғил ва қизи,
Бошларида эл меҳри — чироқ.
Қум шаҳидлар қонида қизил,
Шаҳидларнинг руҳидек уйғоқ.

БИР ОСМОН НУР

Ер қалбига тутаман қалбим,
Садо келар тоғу тошлардан.
Туғилганмиш юлдузлар қадим
Ер йиғиси, ернинг ёшидан.
Бурқсеиб-бурқсеиб заминнинг дуди
Ой юзига солмиш гўборлар,
Она-ернинг кўз ёши энди
Бир осмон нур бўлиб порлар.

ЙҮЛ

Бугун бирров орқамга боқиб,
Изларимга ташлайман назар.
Қанча излар кетибди оқиб,
Кўпайибди нотаниш излар.
Йўл нур берар ҳорган кўзларга,
Ҳамдам бўлар умрларга у.
Йиллар ўтар, янги изларга
Багрин очиб, йўл қолар мангу.



Гўзалликни ким севмайди, ким,
Гўзалликдан ким олмас ором?
Денгиз янглиғ тошади қалбим
Нафосатга бўлганидан ром.
Ошиқ дилда ҳамиша сурур.
Ҳаёт гаштин сурмоқдир иши.
Лекин чиндан бахтиёр эрур
Гўзалликни яратган киши.

* * *

Байрамларга ярашар мақтов,
Байрамларга хосдир ногора,
Чалиб бўлмас уни бетухтов,
Гоҳ «Савт» бўлар, гоҳи «Сувора».
Нотинч тенар кўнглим бояқиш,
Ишчи куним бўлса серҳашам.
Эвазига сўрамас олқиш
Ёниб адо бўлганида шам.

* * *

Ёмгир тинди, тарқади булут,
Томчиларни қолди япроқда.
Сўнг томчилар бирпасда қуриб
Ҳаётбахш нур ўйнайди боғда.
Гусса ўша булутга ўхшар,
Томчиларга ўхшайди кўзёш.
Булут бўлса муваққат яшар,
Мангу яшар оламда қуёш.

* * *

Осмон билан ўпишади тоғ,
Юлдузларга тирар бошини.
Ҳар лолани айлаб бир чироқ,
Кўз-кўз қилар ҳар бир тошини.
Қучогига чорлайди чўққи,
Диллар унга пайванд бўлади.
Ушалганда инсон орзуен
Кўкси тоғдан баланд бўлади.

* * *

Ўзига сўқмоқдай из қилиб,
Сув оқади тоғ тепасидан.
Оқади пишқириб, ўшқириб,
Охулар хуркади сасидан.
Бу — тоғнинг ҳўнграши, кўз ёни,
У ёниб ўз бағрин тиглайди.
Муқимликка етмай бардоши,
Чўққайишдан толиб йиглайди.

ИЛҲОМ

Бир дамда тоғ устига чўқиб,
Қулоч кериб ҳайқиргим келар.
Бир дам кўкни ларзага солиб,
Бургут каби чарх ургим келар.
Торлик қилар менга адирлар,
Торлик қилар ҳаттоки осмон.
Шундай дардга йўлиқдим, дўстлар,
Юрагимга жо бўлгач жаҳон.



Она кутди. Қайтмади фарзанд,
Охир бир кун келди қорахат.
Шум урушни қаргаб чекди дард,
Кучи етди йиглашга фақат.
Ғам тулқини солса-да сурон,
Она берди тақдирга бардош.
Кема бўлиб қолар экан жон
Дарё бўлиб оққанда күзёш.



Ҳар хил янграр қитъаларда соз,
Ҳар бирининг бўлакча тоти.
Қўшиқларга бўлиб жўровоз,
Ҳар хил кечар инсон ҳаёти.
Турли байроқ, гербга сиғиниб,
Боришар дил орзуси сари.
Лекин қаранг, бир хилда йиғлаб,
Бир зайлда кулади бари...



Борлиқ чўккан уйқуга буткул,
Фақат булоқ тўлганиб ётар.
Бошин эгиб мудраганда гул
Шилдир-шилдир куйлар уйготар.
Тун қўйнига сигмас севинчи
Мовий кенглик очганда қучоқ.
Оқар сувнинг буларми тинчи,
Қуримасми мудраса булоқ?

КУРТАК

Тонг елининг келиб ҳаваси,
Уни тўйиб-тўйиб ўпади.
Аллалайди қушлар навоси,
Сахий офтоб нурин сепеди.
Изҳор этиб унга меҳрини
Шовиллайди ўйноқи анҳор.
Чунки унинг мургак қўйнида
Ўйғонар гул, ўйғонар баҳор.

ҲАЗИЛ

Вафо расмин унутиб,
Ҳисларимга йўл бердим.
Одамлардан сир тутиб,
Ўзга ёрга қул бердим.
Маст бўлганда ёр билан
Кукка учди орият.
Кўзим очсам, туш экан,
Туш экан, туш, хайрият.

ОҚШОМ ТАЛПИНИШЛАРИ

Қуёш оғир меҳнатдан чарчаб,
Ётоғида олганда ором,
Сузук кўзли келинга ўхшаб,
Чўғ ташлайди дилларга оқшом.
Юлдузларга боқаман хумор,
Осмон саҳни чамандай сўлим.
Фазо сайрин этиб ихтиёр,
Юлдуз сари талпинар кўнглим.
Юлдуз ватап айлаб самони,
Олисларда яшар инсондан.
Ердан олиб юлдуз жилони,
Ерга сочиб турар осмондан.

АЙТМОҚ БОР, ВАЛЕКИН...

Тантиқ угил эдик, шўх бола эдик,
Бизлар — капалагу ҳаёт — лолазор.
Дунёда ҳеч кимдан олмасдик ҳадик,
Дунёда ҳеч кимга бермасдик озор.
Дукурлаб кўчада ўйнардик шодон,
Мактабда қўзичоқ мисоли ювош.
Жийдани яшириб муаллим опадан,
Тапаффус чоғида қилардик талош.
Энди бариси ҳам ширин хотира,
Бир ажаб хаёлки, дуркун ва шўхдир.
Ўйламоқ бор, аммо, тўймоқ йўқ сира,
Айтмоқ бор валекин, қайтмоқлик йўқдир.

ГИНА

Келмадинг сен қошимга,
Юлдуз гувоҳ ёшимга.
Севги тожин бошимга
Кийганимни билмадинг.

Шовуларди ул анҳор,
Сув бўйида интизор,
Йўлга қараб зор-зор
Куйганимни билмадинг.

Кутдим сўзинг ёд қилиб,
Кулган кўзинг ёд қилиб,
Ёлғиз сени ўт бўлиб
Суйганимни билмадинг.

ҚҰШ КҰПРИК

Эски кўприк холис ва узоқ
Оро кирди одам жонига.
Уни бузмай этдилар ардоқ,
Янги кўприк қуриб ёнига.
У қузатар ёш кўприк ишин,
Кўрар, бели маҳкам, багри кенг.
Кеча-кундуз ишлайди бетин,
Чидами тоғ бардошига тенг.
Уйлар, оғир ҳар қалай юки,
Бугун йўлнинг қийнови бошқа.
Ногоҳ юклар қўймасин букиб,
Ногиронлик тушмасин бошга.
Пастда тўлқин урар лойқа сув,
Эски кўприк тортади ҳушёр.
Янги кўприк сари гўё у
Ёрдам қўлин чўзмоққа тайёр.

* * *

Нурнинг асл шайдоси — юрак,
Дил қатида шуълалар пинҳон.
Гоҳо бўлса момогулдирак,
Гоҳ офтобдай балқир чарогон.
Ўргилайин ҳароратидан,
Мадҳин куйлаб манглайида тер.
Нурга бўлган муҳаббатидан
Кун гирдида айланади ер.



Юлдузларга бўлибсан муштоқ,
Осмондадир мудом кўзларинг.
Юрагимни қамрайди титроқ
Кўкка боқиб ёйган кезларинг.
Юлдуз кони фақат кўк эмас,
Ерга ҳам боқ, бахтим қуёши.
Юлдуз бўлиб милтираб ётар
Остонамда кўзимнинг ёши.

ХАМИРДАН ҚИЛ СУҒУРГАНДАЙ

Ҳажв дафтарида

Бахтиёров олғир одам,
Боқар кўзин учида.
Уни цехда кўриб қолдим
Қайноқ ҳаёт ичида.
Салом берар ким букилиб,
Сув ташир ким галвирда.
Уша куни акега олиб,
Қил чиқди-ку хамирдан.
Бахтиёров бахтга қарши
Мажлис йиғди шу ҳақда.
Қотирганча ҳайъат бошини
Хамир ётар товоқда.
Бахтиёров ушбу хамир
Тақдирини ўйлайди.
Масала-ку зинадай оғир,
Лекин ечмай қўймайди.
Шунда новвой қўл кўтарди,
Қоматини ростлади.
Аста бориб хамирдаги
Қилни олиб ташлади.
Дақиқада масала ҳал,
Олам бўлди гулистон.
Иш деганда бўлар ишқал,
Хом сут эмган-да инсон!
Бахтиёров, кўз тегмасин,
Тез ўзгариб кетдилар.
Хамир ва қил тажрибасин
Ишга тадбиқ этдилар.
У, аввало, мақтаб, бай-бай,
Поввой кўнглини хушлади.

Хамирдан қил сугургандай
Ишдан олиб ташлади.
Цех бошлиги деди: ҳай-ҳай,
Поҳақликни сайлади.
Хамирдан қил сугургандай
Уни ҳам гум айлади.
Нон гоҳ күйиб қотирмочдир,
Гоҳида хом-хатала.
Бахтиёров ўзи бошдир,
Осон кўчар масала.
Худди хамир югургандай
Кўнгилларни юмшатди.
Сўнгра қилни сугургандай
Бир-бир ишдан бўшатди.
Бахтиёров зўр одам-да,
Дер эди ҳамтовоқлар.
Ош дамлашиб ҳар қадамда,
Жарангларди қадаҳлар.
Лутфан унга узатиб май,
Ошатиб галма-галдан,
Хамирдан қил сугургандай
Туширдилар амалдан.
Гап юрибди энди дув-дув,
Узун-қисқа машмаша.
Соз бўларди, аслида-ку
Хамирга қил тушмаса!

МЕҲМОН КЕТМАСА

Ҳажв дафтаридан

Қанот қоқиб Латифжон
Тошкентдан учиб кетди.
Бўлмасдан ҳали хуфтон,
Урганчга келиб етди.
Сийлаб мезбон тонггача
Е, ич, деди, қўймади.
Товуқ сўйди ўнтача,
Лекин қовун сўймади.
Эртаси уй тўйига,
Қайнатиб қўй шўрвасин,
Таклиф этди уйига
Жўрасининг жўраси.
Ароқ билан ҳурматлаб,
Коньяк билан сийлади.
Қўй сўйди-ю атайлаб,
Лекин қовун сўймади.
Сўнг каттакон ҳовлига
Меҳмон бўлиб боришди.
Тутилмаган латифа
Ҳангомалар айтишди.
Уй эгаси лазгига
Чангак бўлиб ўйнади.
Бузоқ сўйди базмга,
Лекин қовун сўймади.
Нозик ҳурмат, тавозе
Меҳмон дилин яйратар.
Созандалар навозиш
Даврасини гуллатар.
Эт бойлади Латифхон,
Қорин чиққан, қараса.

Икки кунга деб меҳмон
Бир ҳафта қолди роса.
Қадам ташлар у аранг,
Лекин кетай демайди.
Мезбоннинг боши гаранг,
Не қиларин билмайди.
Кетинг, деса бўлмаса,
Қолинг деса, иш, суръат...
Шунда битта жураси
Берди бундоқ маслаҳат:
— Ақида бор, биласан,
Меҳмон қовун кутади.
Кет деб нима қиласан,
Қовун сўйсанг, кетади...

II

Қани, ҳей йўл, гирдобингга олгил мени,
Талпингандим парвонадай чироғингга.
Сўқмоқларда қолиб кетган одамларнинг
Шони бўлиб кирай бу кун қучоғингга...

1961 — 1970

ТОНГ

Тонг! Бегубор бола фикридай,
Гузалларнинг хуснидай тиниқ,
Шабнам гўё митти нуқрадай,
Гул япроги ишакдай силлиқ.
Қушнинг ўқтин-ўқтин наъмаси
Ишқ бонгидир кўҳна фалакка.
Ўтли ҳаёт куйи, далдаси
Оқиб крарар юрак-юракка.
Олиб келар бу куй, бу оҳанг
Зўр хушхабар, зўр бир қувончни.
Тун бағридан чиқиб сулув тонг
Одамларга элтар қуёшни.

ҲАЁТ

Бир дамгина ором олдим йўл бошида,
Шода-шода тер оқарди юзларимда.
Кўриб мени катта йўлнинг огушида,
Қараб қолди она қишлоқ изларимдан.
Сен ҳалитдан чарчадингми?— деган каби
Элат менга йироқлардан боқар эди.
Менга бехос учрадингми?— деган каби
Ёвгинамда катта ҳаёт оқар эди.
Пуридийдам — она қишлоқ, хотиржам бўл,
Сўқмоқлардан ўтсам ҳамки чарчамдим.
Дарё каби шовуллаган, эй, катта йўл,
Хотиржам бўл, сенга бехос учрамадим.
Майсаларга ястандим мен йўл бошида
Бир дамгина ҳаёлимни тинитай деб.
Кўнглим эриб табиатнинг қучоғида
Бир дам сафар ташвишини унутай деб.
Кўзларимни қамаштирган нурли маскан
Қанотланган ўйларимга булар ҳамдам.
Парвоз олди бир дам тўхтаб турар экан
Қанотига йиғиб кучин бургутлар ҳам.
Йўл бошида мен бир ўзим турганим йўқ,
Битта ўзим бу манзилга етолмасдим.
Сўқмоқларда якка ўзим юрганимда
Чангалзору кўллардан ҳам ўтолмасдим.
Сўқмоқларда саховатли одамлар кўп,
Бегоналар чин ошно бўлиб чиқди.
Қайнаб кўрени катта ҳаёт қўйнида деб,
Улар мени катта йўлга олиб чиқди.
Мен бу йўлда улар меҳри кўйлагайман,
Улар меҳри вужудимга мадор бўлгай.

Кеча-кундуз ёниб юртим ишқи билан,
Кўзларим ҳам юрагимдек бедор бўлгай.
Қани, ҳей йўл, гирдобингга олгил мени,
Талпингандим парвонадай чирогингга.
Сўқмоқларда қолган ўша одамларнинг
Шони бўлиб кирдим бугун кучогингга.

ФРАНЦИЯ ДАФТАРИ

Туркум

ШОПЕННИНГ ЮРАГИ

Вазмин-вазмин куй учади ҳавода,
Дардли-дардли силкинади қаноти,
Тинмай кезар пасту баланд дунёда —
Қанотида буюк Шопен ҳаёги.
Шопен умри ҳазин куйдай аламли,
Тўлганганда авж пардада узилган.
Куй бағрига сикдирганда оламни
Умид боги қуш инидай бузилган.
У куйса-да, яшар эди бегараз,
Франция богларини севарди.
Сена¹ бўйлаб сайр этарди қишу ёз,
Қишу ёзда лекин ҳижроп эзарди.
Уфқ оша боқар эди юртига,
Тутқич бермай қочар эди хаёли.
Узоқлардан тортар эди ўзига
Она тупроқ. — Варшаванинг жамоли.
Қандай даҳшат — ўз ерига сикмасе,
Маҳрум бўлса ўз ерига кирмоқдан.
Ким эшитар тўлиб-тошиб йиғласе,
Йўлларига тош босилган ирмоқдай.
Қуни битиб тақдирга тап бермади,
Тенг кўрди у яшаш билан ўлишни.
Фақатгина сўнги дамда сўради
Юрагини ўз юртига кўмишни.
Кўзи унинг армон билан юмилди,
Лекин бажо келтирилди тилаги.
Тани Париж мазорига кўмилди,
Варшавага дафн этилди юраги.

¹ С е н а — дарёнинг поми.

Шундан унинг руҳи кезар қўнимсиз,
Тан бир ёқда, шўрлик юрак бир ёқда.
Икки тупроқ йўлларида битта из,
Битта одам ётар икки тупроқда.
Зиёратга келади халқ Парижга,
Қабри узра туришади омонат.
Сўнгра хаёл Варшавага ошиқар,
Юрагини айлагали зиёрат.

КЎЗЛАРИМ СЕНДА

Бу оқшом кўп қувноқман,
Бугун сенга қуноқман,
Сўзлагил, деб қистама,
Қиз мақташга пуноқман.
Меҳримни айтолмайман,
Лойиқ сўз тополмайман,
О, Мариза, Мариза,
О, Мариза, Мариза!
Кўзинг хумор, десамми,
Юзинг анор, десамми,
Сен ҳазилни кўтарсанг
Ичим ёнар, десамми.
Тилла сочинг толаси —
Ўртар ўзбек боласин.
О, Мариза, Мариза,
О, Мариза, Мариза!
Дастурхонда нок, узум,
Лекин сендадир кўзим,
Худди сендек ёрим бор.
Бордир ўғлим ва қизим.
Шўхликларим — бир ҳазил,
Кўнглингга гап келмасин,
О, Мариза, Мариза,
О, Мариза, Мариза!

ФОРИШЛИК САЙЕҲ

Савлат тўкиб юрар Парижда
Форишнинг чўнг колхоз сардори.
Ҳазил учун сўрар боришда:
Қайда бунинг телпак бозори?

Кўчаларга ташлайди нигоҳ,
Рекламадан кўзи қамашар.
Орқасидан юриб қизлар гоҳ,
Дўннисини айлар томоша.

Шунда кулиб мўйловин бурар,
Тавозега билдирар қуллуқ.
Сал нафасин қисиброқ турар
Бўйнидаги шоҳи галетук.

Ялангоч қиз суратин кўриб,
Ҳайрат ичра бўғилар тамом.
Лек иболи кўзлар сурури
Юрагига багишлар ором.

Сайрдан сўнг ўтирса ҳорғин,
Қора кофе тутар мезбонлар.
Ичар, ахир, ёзмасин тагин:
«Қора кофе ичмас деҳқонлар».

Париж қалай? Кулишар дўстлар,
Жавоб берар:— Яхшидир Париж.
Мўйлов бураб сўнг қўшиб қўяр:
— Яхшироқдир валекин Фориш.

ЯЛАНГОЧ ДУНЕ

Ҳаёт қайнар Нигаль¹ бағрида,
Кўз ўйнатар жимжима чироқ.
Бу телбаваш тунни аслида
Кўрмаганим эди яхшироқ.

Ҳамма нарса ялангоч бунда,
Дийдирайди оқшом либоссиз.
Ёқавайрон жазава тунда
Кўз ибосиз, сўзлар ибосиз.

Турфа чироқ ўчар ва ёнар.
Ўчиб ёнар эълонлар бетин.
Ранг айланар, шуъла айланар,
Кўзим тиниб, жимирлар этим.

Юлдуз сўнди, юлдузлар ёнди,
Бир сўнди, бир очилди гуллар.
Гул ичида хонимлар энди
Кийинмоқни иллат деб билар.

Эвоҳ, тушми, ўнгиммидир ё?!
Ким бўлса ҳам, аёл-ку, ахир,
Қайда қолди иффат ва ҳаё,
Шуми энди беминнат тақдир?

Ғарбга оид равнақми ё бу!
Шуми эркин ҳаёт дегани?
Шуми энди покиза туйғу,
Шуми ирқнинг гуллаб тургани?!

¹ Н и г а л ь — куча номи.

Яралганда одам бир замон
Боқмагандай усту бошига
Пигалда ё яланғоч инсон
Қайтмоқчими ибтидосига?

Ана, боқар, ловулар юзим,
Эсиз гултан, эсиз қаламқош.
Бу яланғоч хонимлар кўзи
Дунёни ҳам кўрар яланғоч...

ҚОНЛИ ДЕВОР

Турфа рангу узоқ-яқин,
Узун-улкан деворлар...
Қулоқ тутсанг, ҳар хил нақл
Сўйлар экан деворлар.
Қулоқ тутсанг, ҳар битта тош
Бир тарихни сўзлайди.
Қалбим тошга бўлиб сирдош,
Ундан недир излайди.
Кун ботарда, тонг отарда
Югуради кўзларим,
Ҳайрон қолиб бир деворда
Қон кўради кўзларим.
Ичу тоши баланду паст,
Тамга-тамга қон изи.
Бу девордан лой исимас,
Уриб турар қон иси.
На томи бор, на-да эшик,
Қулун паҳса, пойдевор,
Сувоқлари илма-тешик.
Жароҳати мингча бор.
Бунда Париж Коммунасин
Армонлари ёнадир.
Бу қон эзгу ният учун
Ўлганларнинг қонидир.
Улар учун сўнгги дамда
Паноҳ бўлган девор бу.
Мардлар қулаб жон берганда
Гувоҳ бўлган девор бу.
Довул уни эголмайди,
Йиқолмайди дўл уни.